



## АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШДА АМЕРИКА ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТАЖРИБАСИ

**Сатторов Алишер**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси, PhD, доцент в.б. Тошкент, Ўзбекистон. [alisher4090@gmail.com](mailto:alisher4090@gmail.com)*

**ORCID:** 0009-0009-4808-1114

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss2/i6](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i6)

### Аннотация

Америка давлатларида бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида капитал бозори унсурларининг пайдо бўлиши, кредит муносабатларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш соҳасининг кенгайиши ва бу каби жараёнлар иқтисодий омиллар билан боғлиқ ҳолда аудит ривожланишига янги туртки берди. Мазкур мақолада американинг ривожланган мамлакатларининг аудиторлик фаолияти, аудиторлик фаолиятини тактибга солувчи органлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилиб берилган. Хусусан, АҚШ, Канада, Мексика ва Панама давлатларида давлатларида аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, аудит стандартлари, стандартни тасдиқловчи ташкилот, назорат қилувчи ва лицензиялаш органи, ташқи сифат назорати ўтказиш даври, ташқи сифат назорати ўтказиш муддати, мажбурий аудитнинг қўлланилиши, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторни ротация қилиш даври, асосий турдош хизматлар, аудиторларга қўйиладиган талаблар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** аудиторлик фаолияти, аудитор, аудиторлик ташкилотлари, турдош хизматлар, назорат қилувчи органлар, аудит жамоат бирлашмалари.

### ОПЫТ АМЕРИКАНСКИХ СТРАН В ОБЛАСТИ АУДИТА

**Сатторов Алишер**

*Соискатель Ташкентского государственного университета экономики, PhD., и.о. доцент. Ташкент, Узбекистан.*

### Аннотация

В американских странах появление рынка капитала, развитие кредитных отношений, расширение производственного сектора и такие процессы являются новым стимулом для развития аудита в зависимости от экономических факторов. В этой статье представлена аудиторская деятельность в области развитых американских стран, властей и конкретных особенностей аудитории. В частности, в Соединенных Штатах стандарты аудита, контроль и лицензирование), орган надзора и лицензирования, применение внешнего контроля качества, применение внешнего контроля качества, использование обязательного аудита, организации аудита и аудитория Требования для ключевых услуг, аудиторы были проанализированы.

**Ключевые слова:** Аудит, аудитор, аудиторская организация, связанные с ним услуги, регулирующие органы, аудит государственных ассоциаций.

## EXPERIENCE OF AMERICAN COUNTRIES IN AUDITING

**Sattorov Alisher**

*Applicant Tashkent State University of Economics, PhD, docent. Tashkent, Uzbekistan*

### **Abstract**

In American countries, the emergence of the capital market, the development of credit relations, the expansion of the production sector, and such processes is a new impetus to the audit development depending on economic factors. This article provides auditing activities of developed American countries, authorities and specific features of the audience. In particular, in the United States, Auditing Standards, the Control and Licensing), the supervisory and licensing body, the application of the external quality control, the application of the external quality control, the use of compulsory audit, audit organizations and the auditorium Requirements for key services, auditors have been analyzed.

**Keywords:** audit activity, auditor, audit organizations, related services, supervisory bodies, audit public associations

### **Кириш**

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда аудиторлик фаолиятини тизимли тарзда такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Ушбу жараёни эволюцион ривожланиши аудиторлик фаолияти билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва улардан амалиётда фойдаланишни назорат қилувчи аудит институтининг турли тегишли қўмиталари мавжуд.

Бозор инфратузилмаси элементлари ичида аудиторлик компанияларининг роли ва тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Англия, АҚШ, Канада, Франция ва бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ҳам маълумки, аудиторлик компаниялари бозор инфратузилмаси элементларининг занжирли тизимида асосий ҳалқалардан бири бўлиб ҳисобланади. Аудиторлик компаниялари корпорациялар, фирмалар ва бошқа хўжалик юритувчи тузилмаларнинг ишлаб чиқариш, молия-хўжалик фаолиятида муомалаларнинг тўғри амалга оширилганлигини тасдиқлаб, миқозларнинг уларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аудиторлик ташкилотлари бозор инфратузилмасининг энг муҳим элементларидан бири бўлиб, улар мулкдорлар ва давлатнинг мулкрий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мустақил молиявий назоратни амалга оширади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Мамлакатимиз ва хорижий олимлар томонидан америка қитъасининг ривожланган мамлакатлари аудиторлик фаолиятини бир қатор олим ва тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб борганлар.

Иқтисодчи олим Дусмуратов ўзининг докторлик диссертациясида қуйидагича келтирган: АҚШда аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий – меъёрий тартибга солишнинг либерал тизими шаклланган. Бу тизимда профессионал жамоат ташкилотлари етакчи бўлиб, улар аудиторларни аттестациялаш, аудиторлик текширувлар сифатини назорат қилиш, аудиторлик фаолияти стандартлари ва меъёрларини ишлаб чиқадилар[1].

Терехов тадқиқотларига кўра: АҚШда аудитор бўлиб ишлашга лицензия олиш учун номзод университет маълумоти (камида бакалавр даражаси) ва аудиторлик ташкилотида маълум амалий иш стажига эга бўлиши ҳамда малакавий имтиҳон топшириши лозим. Унинг мутахассислик бўйича иш стажини, унга айнан қайси штатда лицензия берилишига ва маълумотига боғлиқ бўлиб, аммо бу даъвогар одатда

<http://iqtisodiyot.tsue.uz/journal>

аудиторлик ташкилотида аудитор ассистенти бўлиб ишлаган бир неча йилдан иборат[2].

Иқтисодчи олим Ахмеджанов фикрига кўра, АҚШнинг қонун ҳужжатларида аудитнинг қуйидаги турлари ажратилган: ички аудит, давлат аудити, бошқарув аудити ва тартибга солувчи органлар аудити. Ички аудит мустақил аудиторларнинг хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларида амалга ошириладиган, хўжалик юритувчи субъектлар ишини текшириш ва баҳолашга қаратилган фаолиятидир[3].

Каримов ва бошқаларнинг халқаро аудит номли дарсликларида қуйидагилар келтириб ўтилган: АҚШда стандартларни ишлаб чиқиш билан молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқувчи кенгаш (ФАСБ) шуғулланади. Ушбу стандартларнинг амалда қўлланилишини назорат қилиш ҳукуматнинг Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси (СЕС) зиммасига юклатилган. ФАСБ ва СЕСнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида АҚШда аудит стандартлари қўлланилишининг самарали механизми яратилган[4].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, АҚШ замонавий аудиторлик фаолияти энг ривожланган давлатлардан бири ҳисобланади. Аудиторлик фаолияти аудит институтлари томонидан назорат қилиниши ҳамда назорат тизимида давлатнинг рўли минимал ҳолатда эканлиги, бошқа давлатлар тубдан фарқ қилишини кўримиз мумкин. Аудит бозорининг иштирокчилари регионал тизимда тўлиқ эркин ҳаракатланади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Ушбу илмий тадқиқотда методология умумий ва ўзига хос усуллари билан мажмуаси билан ифодаланади, жумладан, таҳлил ва синтез усули, бу муаммони қўйишни дастлабки таҳлил қилиш, мақсадни аниқлаш, олимларнинг позицияларини ошқор қилиш учун ишлатилади. Америка давлатларининг аудиторлик фаолияти ўзаро таққослаш, гуруҳлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Таҳлиллар натижасида илмий хулосалар ишлаб чиқилди.

#### **Таҳлил ва муҳокама**

Америка Қўшма Штатларида аудиторлик фаолиятини Қонунчилик ҳокимияти назорат хизматининг Бош ҳисобга олиш хизмати аудиторлари (аудиторлик персоналнинг асосий мажбурияти – Конгресс учун аудиторлик функциясини бажариш), ички солиқ хизмати (федерал солиқ қонунлари ижросининг назоратига жавоб беради) ички хўжалик аудиторлари (алоҳида компаниялар томони дан уларнинг маъмуриятини аудитдан ўтказиш учун ёлланади), дипломга эга жамоат бухгалтерлари (оммавий сотиладиган компанияларнинг (йирик, кичик ва нотижорат компаниялар) барча молиявий ҳисоботларини текшириш) амалга оширади.


“Дипломга эга жамоат бухгалтерлари” унвонига эга бўлиш Штатлар қонунлари билан лицензиялар бериш орқали тартибга солинади, уларга қўйиладиган талаблар турли штатларда турлича. Штатларнинг аксарида коллежда “Бухгалтерия ҳисоби” мутахассислиги бўйича 4-5 йиллик таълим талаб этилади. Барча штатларда даъвогар дипломга эга жамоат бухгалтерлари учун стандарт давлат имтиҳонини топшириши шарт. Кўпчилик штатларда ушбу унвонга даъвогар маслаҳатчи-бухгалтер бўлишидан аввал, шу касб бўйича бир йил ва ундан кўпроқ даврга амалий иш тажрибаси талаб этилади [5].

АICPA аудиторларнинг умуммиллий касбий ташкилоти сифатида 370 мингга яқин иштирокчи компанияларни бирлаштирган. Тегишли имтиҳонларни топшириб, бухгалтер-аудитор дипломини олган изланувчига малака гувоҳномасини беради.

Институт АҚШдаги илмий ва услубий ишларни бошқаради, аудит бўйича монографиялар ва қатор журналларни нашр этади, улар орасида “Джорнэл оф Эккаунтенси” энг кўп оммалашган.

240-сонли “Молиявий ҳисобот аудити давомида фирибгарлик ва хатоларни кўриб чиқиш юзасидан аудитор жавобгарлиги” (“The Auditor's Responsibility to Consider Fraud in an Audit of Financial Statements”) халқаро стандарти ҳам аудиторлик хизматларининг аҳамияти ва сифатини оширди, унинг охириги таҳрири Аудиторлик фаолияти соҳасидаги стандартлар ва кафолатлар бўйича Халқаро кенгаш (International Auditing and Assurance Standards Board) томонидан тасдиқланган, ушбу кенгаш тузилмавий жиҳатдан Халқаро бухгалтерлар федерацияси (International Federation of Accountants) таркибига 2004 йил февраль ойида кирган[6].

2007 йилда AICPA 8та жамоат аудиторлик компаниялари билан биргаликда янги ташкилот – Аудит сифати маркази (the Center for Audit Quality, CAQ)ни тузди, ушбу марказ ҳозирги вақтда АҚШнинг 650га яқин аудиторлик фирмаларининг ишини бирлаштиради.




**1-расм. АҚШнинг аудиторлик ташкилотлари томонидан уч тоифадаги хизматлар таркиби<sup>1</sup>**

Аудиторлик ташкилотлари якка тартибда эгалик қилиш, шериклик ва касбий корпорация шаклларида тузилиши мумкин. Одатдаги аудиторлик фирмаларида шериклар, менежерлар, назоратчилар, катта ёки масъул аудиторлар, ёрдамчилар мавжуд.

Федерал даражада ёки штатлар даражасида аудитни ҳар йили ўтказишни талаб этадиган қоидалар амал қилади. Масалан, ҳар йили ҳужжатларини Қимматли қоғозлар ва биржа операциялари бўйича комиссияга тақдим этадиган барча компаниялар ҳар йили аудиторлик текширувидан ўтиши шарт. Айрим штатларда ҳар бир ҳукумта таркибий бўлинмаси вақти-вақти билан аудитдан ўтказилиши керак.

Америка дипломга эга жамоат бухгалтерлари касбий талаблар, стандарт ва қоидаларни белгилайди, тадқиқотлар ўтказиши ва бухгалтерия ҳисоби, аудит, маъмурият учун ва солиқлар бўйича маслаҳат хизматлари билан боғлиқ мавзулардаги материалларни нашр этади[7].

Шунингдек, АҚШда Аудиторлар уюшмаси ҳам фаолият олиб боради, у ички ва мустақил аудиторлар — компьютер аудити бўйича мутахассисларни бирлаштиради.



**2-расм. АҚШда аудиторлик ташкилотларининг турлари<sup>2</sup>**

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузилган

Ҳозирги вақтда АҚШда 50000 дан ортиқ аудиторлик фирмалари фаолият юритади. Уларда бандлар сони бир мингдан бир неча минггача кишини ташкил этади. Уларни 4та тоифага гуруҳлаш мумкин:

1. “Катта олтилик”, уларни илгари аудиторлик хизматлари бозорида супергигантлар деб аташган, уларнинг айримлари қўшилиш ёки ютилиш арафасида (Нью-Йоркдаги идорасида 1000 дан ортиқ киши), АҚШ ва дунёнинг барча йирик шаҳарларида йиллик даромади 500 млн АҚШ долларини ташкил этган идоралари бор.

2. Халқаро салоҳиятга эга бошқа миллий фирмалар (қатор фирмалар кўпгина йирик шаҳарларда ўзининг идораларига эга бўлганлиги учун миллий фирмалар ҳисобланади).

3. Йирик маҳаллий ва ҳудудий фирмалар (персонали 50 нафардан ортиқ бўлган бир неча юзлаб аудиторлик фирмалари бор).

4. Кичик маҳаллий фирмалар (аудиторлик фирмаларининг 95%идан ортиғи битта идорага ва 25 нафардан кам персоналга эга).

Канадада аудиторлик фаолияти Бош аудитор тоионидан назоарат қилинади. Бош аудитор бошқармаси персоналининг асосий мақсади Бош аудиторга қонун билан унинг зиммасига юклатилган ваколатларни амалга оширишда кўмаклашишдан иборат. Бошқарма персонали жамоатчилик соҳасидаги бандлик тўғрисидаги қонунга мувофиқ шакллантирилади ва ўз фаолиятини олиб боради.

Бош аудитор амалдаги норматив ҳужжатларга асосан “Қонунчилик аудити” амалга оширади. “Қонунчилик аудити” асосан 3 турга бўлинади.



**3-расм. Бош аудитор томонидан амалга ошириладиган аудит турлари<sup>3</sup>**

Бош аудитор бошқармаси ҳар йили бошқарув аудити доирасида федерал вазирликларда, шунингдек, федерал даражадаги бошқа давлат бошқаруви субъектларида 30-50 га яқин текширувларни ўтказиши мумкин. Бошқарув аудити доирасида текширувларни режалаштириш бир неча йиллар олдинни кўзлаб амалга оширилади. Бош аудитор бошқармаси рисклар таҳлилини ўтказиб, жамоат секторининг парламент учун муҳим аҳамиятга эга алоҳида сегментлари рўйхатини тузади. Тартиб бўйича, биринчи навбатда, аудити ўтказилиши лозим бўлган объектлар рўйхатидан юқори riskли объектлар ўрин олган. Юқори riskли объектлар деганда, уларни молиялаштириш канадалик солиқ тўловчиларга жуда қимматга тушадиган объектлар, шунингдек, фуқароларнинг соғлиғи ва хавфсизлигига таҳдид солувчи объектлар тушунилади.

Бош аудитор бошқармаси томонидан ўтказиладиган аудиторлик текшируви уч босқичдан иборат:

- 1) текширув чора-тадбирларини режалаштириш;
- 2) текширувни бевосита амалга ошириш;
- 3) ўтказилган текширувлар бўйича ҳисобот бериш.

Текширув чора-тадбирларини амалга ошириш жараёнида Бош аудитор бошқармаси ходимлари аудиторлик текшируви объектига айланган ҳукумат дастурини рўёбга чиқаришда иштирок этадиган амалдорлар билан учрашадилар, тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани ва мазкур ҳукумат дастурини рўёбга чиқариш тартибини белгиловчи бошқа ҳужжатларни (қонунлар, дастур концепцияси ва шу кабиларни) ўрганадилар, у ёки бу кўринишда ушбу дастур билан боғлиқ барча ишларни кўтариб,

ўрганиб чиқадилар. Канадачасига бошқарув аудитини ўтказишнинг энг кенг тарқалган усулларида бири солиштирма (таққослама) таҳлил ҳисобланади. Бунда текширув даврида назорат қилинаётган ҳукумат дастури бундан аввал текширилиши яқунланган ёки давом этаётган бошқа ҳукумат дастурлари билан асосий параметрлар бўйича таққосланади.

Ўтказилган текширув натижаларига кўра, тузилган ҳисобот текширувни амалга ошириш натижасида аниқланган асосий маълумотлар билан биргаликда, шу маълумотлар асосида ишлаб чиқилган ва жамоат секторининг мазкур объектида давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни ўз ичига олади. Йил давомида ўтказилган барча текширувлар тўғрисидаги ҳисоботлар умумлаштирилиб, Бош аудитор бошқармаси томонидан ҳар йили Канада парламентининг қўйи палатаси тақдим этиладиган якуний ҳисоботга киритилади.

Бош аудитор бошқармаси (The Office of the Auditor General – OAG) Канададаги Давлат молиявий назорати олий органи ҳисобланади. Унинг жамоат молия механизмидаги алоҳида роли шу билан изоҳланадигани, назорат функциясиз, умуман, молиянинг мавжудлигини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Давлат молиясининг самарадорлиги айнан молиявий назоратнинг қандай ташкил этилганлигига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Бош аудитор бошқармасининг фаолиятини Бошқарув кенгаши ташкил этади, бу кенгашни Бош аудитор бошқаради. Бошқарув кенгаши таркибига Бош аудиторнинг битта ўринбосари ва 11 нафар ёрдамчилари киради (улар орасида атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш учун жавобгар шахснинг лавозими 1995 йилдан бошлаб “махсус вакил” деб номланади).

Бош аудитор ёрдамчиларининг ҳар бири аудиторлик фаолиятининг алоҳида йўналишини бошқаради, Бош аудитор бошқармасида бу йўналишлар билан шуғулланадиган тегишли таркибий тузилмалар мавжуд. Ҳар бир йўналишга маълум миқдорда объектлар бириктирилган бўлиб, уларнинг аудитини Бош аудитор бошқармаси амалга оширади. Бош аудитор бошқармасида таъминот, стратегик режалаштириш, услубият, ички аудит, халқаро алоқалар, ҳуқуқий маслаҳат, парламент билан алоқалар ва шу каби бошқа хизматлар тузилган.

Канадада аудит механизмида “ташқи” маслаҳатчиларга алоҳида ўрин ажратилади. Улар Бош аудитор ҳузурида иш олиб борадиган маслаҳатчилар гуруҳларига бирлашадилар.

Канада самарадорлик аудитини илк бор жорий қилганлардан бири ҳисобланади. У дунёда биринчилар қаторида иқтисодий ва молиявий фаолиятининг фақатгина қонунийлигини текшириш амалиётидан воз кечган мамлакат ҳисобланади. Бош аудитор бошқармаси ва Канада Жамоат ҳисоблар қўмитаси биргаликда “қонунчилик аудити”нинг институционал асосини ташкил этади, улар нафақат аудит дастурларининг самарадорлиги, балки бунинг орқасидан молиявий ресурсларининг сарфланиши самарадорлиги устидан ҳам назоратни амалга оширади.

Мексика декларацияси (Declaración de México) давлат назорати, давлат аудити ва аудит соҳасидаги иккинчи асосий доктринал ҳужжатдир. Мексика декларациясининг асосий мақсади олий аудиторлик муассасаларининг мустақиллигини таъминлашдан иборат. Декларация “Олий аудит органларининг мустақиллиги тўғрисидаги Мексика декларацияси” деб аталади. 1934 йилда қабул қилинган “Умумий тадбиркорлик қонуни”да акциядорларга тақдим этилиши керак бўлган молиявий маълумотларнинг шакллари оид умумий қоидалар белгиланган бўлса-да, бошқа юридик шахсларга аниқ қоида ва стандартларни ишлаб чиқиш ваколати берилган.

Мексика Конституциясининг 5-моддасида Мексика Бухгалтерлар жамоат ташкилоти (ИМСР)га аудит стандартларини чиқариш бўйича юридик ваколатни беради, бу стандартларни унинг аъзолари ўзлари ўтказадиган барча аудитларда қўллашлари керак. 2012 йил январ ойидан бошлаб, барча мажбурий аудитлар учун Мексика Бухгалтерлар жамоат ташкилоти (ИМСР) қошидаги Аудит стандартлари ва маълумотлар ишончилигини тасдиқлаш қўмитаси томонидан халқаро аудит стандартлари ўзгаришларсиз қабул қилинган. Молиявий секторни тартибга солувчилар ўзлари тартибга соладиган компаниялар учун тармоқ аудити қоидаларини белгилаш ҳуқуқига эга.

Мексикада мустақил аудиторлик назорати мавжуд эмас. Компанияларга хизмат кўрсатадиган аудиторлар Миллий банк ва қимматли қоғозлар комиссияси (CNBV) ҳамда Миллий суғурта ва кафолат комиссияси (CNSF) томонидан тартибга солинади.

Ташкилотларда аудиторлик текширувларини ўтказиш учун жисмоний шахслар Мексикадаги профессионал бухгалтерия уюшмаларининг федерал ташкилоти ҳисобланган Instituto Mexicano de Contadores Públicos (ИМСР) томонидан берилган СРС (Contador Publico Certificado) –сертификатига эга бўлишлари керак. ИМСРнинг сертификатланган аъзолари сифатида жисмоний шахслар Мексика Конституциясининг “Қоидалар” бўлимида батафсил тавсифланган ИМСР қоидаларига бўйсундилар.

Мексика Бухгалтерлар жамоат ташкилоти (ИМСР) — бутун мамлакат бўйлаб профессионал бухгалтерлар ва аудиторларни бирлаштирган 60 та профессионал уюшмалардан иборат федерациядир. Мексика Бухгалтерлар жамоат ташкилоти (ИМСР)га аъзолик ихтиёрий ҳисобланади ва у сертификатланган ҳамда сертификатланмаган аъзолардан иборат. Сертификатланган иштирокчилар ИМСР Contador Publico Certificado – СРС сертификатини олишган. Фақат ИМСР-СРСгина Миллий банк ва қимматли қоғозлар комиссияси ҳамда Миллий суғурта ва кафолат комиссиясида рўйхатдан ўтган жамоатчилик манфаати субъектларини текшириши мумкин[10].

Панамада 1927 йилги “Компаниялар тўғрисида”ги қонунга асосан компанияларнинг тузилишини белгилайди. 1916 йилги Савдо кодекси ва ундан кейинги тузатишлар эса, компаниялардан бухгалтерия китобларини юритиш ва бухгалтерия ҳисобининг асосий ҳуқуқий асосларини таъминлашни талаб қилади.

2021 йилдаги 280-сонли “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун билан ўзгартирилган Савдо ва саноат вазирлиги ҳузуридаги агентлик Бухгалтерия ҳисоби техник кенгашига (ЈТС) бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартларини белгилаш ваколатини беради. Шу мақсадда Бухгалтерия ҳисоби техник кенгашига (ЈТС) тартибга солинадиган компаниялардан ташқари барча компанияларга бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартларини тартибга солишни тавсия этиш учун Молиявий ҳисоб стандартлари комиссиясини тузди. 2005 йилдаги 6-сонли қонунга асосан 2006 йилдан бошлаб кичик ва ўрта корхоналар учун МХХСни қўллашни талаб этади[9].


Солиқ кодекси қуйидаги мезонларга жавоб берадиган компаниялар учун мажбурий қонуний аудитни талаб қилади:



**4-расм. Панамада мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун асосий талаблар<sup>4</sup>.**

Панамада аудитор фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган жисмоний шахслар махсус сертификат эга бўлишлари шарт. Панамада халқаро аудиторлик сертификат эга бўлган ёки Бухгалтерия ҳисоби техник кенгаши (JTC) томонидан бериладиган Панамалик сертификатланган бухгалтер сертификатга эга бўлиши керак. Бухгалтерия ҳисоби техник кенгаши (JTC) 2005 йилдаги 6-сонли қонунга мувофиқ, 2006 йилдан бошлаб тартибга солинадиган компаниялардан ташқари барча мажбурий аудитлар учун халқаро аудит станлартларини қабул қилди. Хўжалик юритувчи субъектлар халқаро аудит стандартлари ёки 2010 йил 4-сонли Банклар бошқарувчиси (SBP) шартномасига мувофиқ Америка сертификатланган бухгалтерлар институтининг Аудит стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган АҚШнинг умумқабул қилинган аудит стандартларидан фойдаланишлари шарт. Лизинг компаниялар ва суғурта компаниялари, Қимматли қоғозлар бўйича миллий комиссия (SMV) регламенти ва 2013 йил 6-сонли Суғурта ва қайта суғурталаш бошқарувчиси (SSRP) Келишувига мувофиқ халқаро аудит стандартларидан фойдаланишлари шарт[8].


Панамада мустақил аудит назорати механизмлари мавжуд эмас. Қонунлар Савдо ва саноат вазирлиги қошидаги Бухгалтерия ҳисоби техник кенгаши (JTC) агентлигини бухгалтерия касбини тартибга солиш учун масъул шахс сифатида тан олади. Бухгалтерия ҳисоби техник кенгаши (JTC) аудиторлар учун қуйидаги тартибга солувчи ҳаракатларни амалга оширади:



**5-расм. Панама аудит назорат органининг ваколатлари<sup>5</sup>**

2021 йилдаги “Бухгалтерия касбини тартибга сорлувчи” 280-сонли қонунига асосан Бухгалтерия ҳисоби техник кенгаши (JTC)га молиявий ҳисоботларнинг барча аудитлик текширувлари учун сифат назорати текширувларини ўрнатиш ва ўтказиш ҳуқуқини беради. Панамада ҳар 3 йилда аудиторлик ташкилотлари Бухгалтерия ҳисоби техник кенгаши томонидан сифат назорати бўйича текширувдан ўтадилар.

Бундан ташқари, аудиторлик хизматларини таклиф қилувчи шахслар ихтиёрий равишда профессионал бухгалтерия ташкилотига (POA) аъзо бўлишлари ва профессионал бухгалтерия ташкилотига аъзолик талабларини қабул қилишлари мумкин. Панама қонунларига асосан банклар ҳамда суғурта ва қайта суғурталаш бошқармаси кенг ваколатларга эга.



**6-расм. Банклар бошқармаси ҳамда суғурта ва қайта суғурталаш бошқармасининг аудиторлик текшируви бўйича ваколатлар<sup>6</sup>**

Бундан ташқари, Банклар бошқарувчиси (SBP), Суғурта ва қайта суғурталаш

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан тузилган

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан тузилган

бошқарувчиси (SSRP) ва Қимматли қоғозлар бўйича миллий комиссия ўз назорати остидаги ташкилотларга хизмат кўрсатувчи мутахассислар учун бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг тармоқ стандартларини белгилаш ҳуқуқига эга.

**1-жадвал**

**Америка давлатларида аудиторлик фаолияти ва текширувларини ташкил этиш тизими<sup>7</sup>**

Кўрсаткичлар	АҚШ	Канада	Мексика	Панама ороллари
<b>Асосий қонун ва норматив ҳужжатлар</b>	Бутун мамлакат учун ягона қонун ҳужжатлари мавжуд эмас, турли штатларнинг талаблари бир хил эмас	“Бош аудитор тўғрисида”ги қонун	Мексика декларацияси	“Компаниялар тўғрисида”ги қонун ва Савдо кодекси
<b>Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи органлар</b>	Молия вазирлиги ва жамоат бирлашмалари	Бош аудитор бошқармаси	Мексика Бухгалтерлар жамоат ташкилоти (IMCP)	Бухгалтерия ҳисоби техник кенгашига (JTC)
<b>Аудит стандартлари</b>	Миллий	Миллий	ХАС	ХАС
<b>Стандартни тасдиқловчи ташкилот</b>	Молия вазирлиги	Бош аудитор бошқармаси	Мексика Бухгалтерлар жамоат ташкилоти (IMCP)	Банклар бошқарувчиси (SBP), Суғурта ва қайта суғурталаш бошқарувчиси (SSRP) ва Қимматли қоғозлар бўйича миллий комиссия (SMV)
<b>Назорат қилувчи ва лицензиялаш органи</b>	Молия вазирлиги профессионал ташкилотлар билан	Бош аудитор бошқармаси	Банк иши ва қимматли қоғозлар бўйича миллий комиссия (CNBV), Миллий суғурта ва кафиллик комиссияси (CNSF) ҳамда Мексика Бухгалтерлар жамоат ташкилоти (IMCP)	Бухгалтерия ҳисоби техник кенгашига (JTC)
<b>Ташқи сифат назоратини ўтказиш даври</b>	Катта аудиторлик ташкилотлари учун хар 2 йил, кичик аудиторлик ташкилотлар учун эса хар 4 йилда	2 йил	2 йил	3 йил
<b>Ташқи сифат назоратини ўтказиш муддати</b>	15-30 кун	15 кун	10 кун	10 кун
<b>Мажбурий аудитнинг қўлланиши</b>	Капитали 750 000 АҚШ долларидан ошган, йиллик савдо ҳажми	капитали 750 000 АҚШ долларидан ошган, йиллик савдо	Ялпи даромади 100 млн мексика песо ошган,	капитали 100 000 АҚШ долларидан ошган, йиллик савдо ҳажми ёки

Кўрсаткичлар	АҚШ	Канада	Мексика	Панама ороллари
	ёки ялпи даромади 500 000 доллардан ошган. 100 дан ортиқ компаниялар	ҳажми ёки ялпи даромади 500 000 доллардан ошган ходимлар сони — 100 дан ортиқ компаниялар.	активлар қиймати 79 млн мексика песо ошган ходимлар сони — 300 дан ортиқ компаниялар.	ялпи даромади 50000 доллардан ошган
<b>Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторни ротация қилиш даври</b>	Кетма-кет 5 йил	кетма-кет 10 йил	кетма-кет 5 йил	кетма-кет 8 йил
<b>Асосий турдош хизматлар</b>	Солиқ, ҳуқуқ, менежмент, молия ва бухгалтерия хисоботи	Солиқ, консалтинг хизматлари	Солиқ, ҳуқуқ, менежмент, молия ва бухгалтерия хисоботи	Солиқ, ҳуқуқ, менежмент, молия ва бухгалтерия хисоботи
<b>Аудиторларга қўйиладиган талаблар</b>	Коллежда “бухгалтерия хисоби” мутахассислиги бўйича 4-5 йил ўқиш, бухгалтерия сертификати учун давлат имтиҳонини топшириш	Университет дипломи, сертификатланган бош бухгалтер (CGA), сертификатланган бошқарув ҳисобчиси (CMA), дипломли бухгалтер (CA) сертификатларидан бирига эга бўлиш	Иқтисодиёт, молия ёки бухгалтерия соҳаси бўйича университет дипломи. СРС сертификатига эга бўлган шахслар	Иқтисодиёт, молия ёки бухгалтерия соҳаси бўйича университет дипломи. Бухгалтерия ҳисоби техник кенгаши (JTC)

Молиявий секторни тартибга солувчи органлар — Банклар бошқарувчиси ҳамда Суғурталаш ва қайта суғурталаш бошқармасига хизмат кўрсатувчи аудиторларга тартибга солувчи органлар томонидан белгиланган қўшимча амалий тажриба талаблари ҳам қўйилади.

### **Хулоса ва тавсиялар**

Ривожланган мамлакатларининг аудиторлик фаолиятини таҳлил қилган холда, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Америка мамлакатлари аудиторлик фаолиятининг асосий бўғинлари қонунлари, назорат қилувчи органлари, стандартлари, аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқий шакллари, аудиторлик ташкилотларининг тавсифланиши ва аудиторларга қўйиладиган талаблар батафсил ёритилиб берилди. Шунингдек, ушбу минтақаларнинг энг ривожланган мамлакатлари аудиторлик ташкилотлари фаолияти, уларнинг тузилиши ва ҳуқуқий мақоми, аудиторлик ташкилотлари томонидан таклиф қилинадиган турдош хизматлар, шунингдек, аудиторларга қўйилган талаблар ўрганилди ва таҳлил қилинди.

2. АҚШ ва Панама давлатларининг бошқарув, солиқ ва ҳисобни юритиш масалаларига оид муаммолар юзасидан маслаҳатлар бериш соҳасидаги ишлар қонунлар билан тартибга солинмайди. Штатлардаги бухгалтерия органлари хулқ-атвор меъёрларини белгилайди ва ўзининг арбитраж судларига эга. Улар лицензия эгасига эътироз ва изоҳлар билдириши мумкин, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриши ёки бутунлай тўхтатиши мумкин. Лицензиядан маҳрум бўлган шахс дипломга

эга жамоат бухгалтери малакаси билан бирга, аудиторлик ҳисоботларини имзолаш ҳуқуқидан ҳам айрилади.

3. Америка давлатларида аудиторлик текширувлари халқаро аудит стандартлари ёки давлатнинг миллий қоидалар талабларига мувофиқ тузилади. Хозирги кунда аудиторлик ташкилотлари томонидан компаниядаги рискларни бошқариш ва корпоратив бошқарув бўйича аудит текширувларига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.

4. Америка давлатларининг профессионал аудитини ўзгартиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборатлиги таҳлил қилинди: аудитга оид миллий қонунчилик ва ҳуқуқий муҳитни такомиллаштириш, аудиторларнинг касбий малакасини ошириш, аудит сифатини назорат қилишни ташкил этиш, аудиторларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш.

5. Америка давлатларида аудиторлик фаолиятининг халқаро амалиётини тадқиқ қилиш натижасида ҳуқуқий-назорат қилиш тизими иккига: давлат томонидан назорат қилиш ва жамоат бирлашмалари ҳамда аудит институтлари томонидан тартибга солиш тизимларига ажратилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Дусмуратов Р.Д (2008) Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш – иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация

2. Терехов А.А. Аудит: перспективы развития. М.:«Финансы и статистика»,–560 с. (2001)

3.Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш – иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси/ Тошкент

4.Каримов А., Исломов Ф. ва Авлоқулов А. (2015) Халқаро аудит/ дарслик/ Тошкент /397 бет

5.Нитецкий В.В., Кудрявцев Н.Н. Справочник аудитора. Методология аудиторской проверки некоторых аспектов деятельности предприятия. - М.: Дело, 2006. - 262 с.

6.Ответственность аудитора по рассмотрению мошенничества и ошибок в ходе аудита финансовой отчетности (международный стандарт № 240). – Нью-Йорк: февраль 2004

7.Терехов А.А., Терехов М.А. Контроль и аудит: основные методические приемы и технология. - М.: Финансы и статистика, 2008. - 208 с.

8.<https://www.ifac.org/about-ifac/membership/profile/panama>

9.Ножкина Т.В. (2007) Международный аудит [текст]: учебное пособие. - Петропавловск-Камчатский: Камчат ГТУ, 127 с.

10.Commercial Act. (2011) No.10696. [Электронный ресурс] URL:<http://www.law.go.kr/eng/>